

ОЛДИ-СОТДИ ШАРТНОМАСИ № 22

Бухоро ш.

Об сенгиз 2022йил

“Арх Проект Прогресс” МЧЖ (ташкilot, корхона номи) кейинги ўринларда “Сотувчи” деб юритилади. Ўзининг низоми (низоми, устави, ишончнома) асосида Р.Р.Нуридинов (вазифаси, фамилияси, исми) номидан, бир томондан ва Марказий банк Бухоро вилоят Бош бошқармаси (корхона, ташкilot, муассаса номи), кейинги ўринларда “Сотиб олувчи” деб юритилади, Ўзининг низоми (низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи Э.М.Мансуров (вазифаси, фамилияси, исми) номидан, иккинchi томондан мазкур шартномани куйидагилар ҳакида туздилар.

1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. Сотувчи ўзига тегишли бўлган иш,хизматни ушбу спецификацияга асосан Сотиб олувчига мулк қилиб топшириш, Сотиб олувчи эса иш,хизматни кабул килиш ва ушбу Шартномада белгиланган муддатларда тўлаш мажбуриятини олади.

| № | Товар, маҳсулот(Иш хизмат номи) | Ўлчов бирлиги | Сони | Нархи | Баҳоси |
|------|--|---------------|------|-------------------|-------------------|
| 1. | Бухоро шахар “И.Каримов” қўчасида жойлашган Бухоро вилояти Марказий банк бош Бошкармасига қарашли ёрдамчи бино лойиха смета хужжатларини тайёрлаб бериш иш хизматлари. | Хизмат | 1 | 43 910 000 | 43 910 000 |
| Жами | | | | 43 910 000 | 43 910 000 |

1.2. Мазкур жадвалда кўрсатилган иш,хизматни етказиб бериш муддати: **25 сентябр 2022 йилгача**

2. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

2.1. Ушбу шартноманинг умумий суммаси КҶС билан 43 910 000 (Кирқ уч миллион тўққиз юз ўн минг сўм) сўмни ташкил этади.

2.2. Сотиб олинадиган товар (Маҳсулот Иш хизмат) учун олдиндан тulos миқдори 13 173 000 сўмни, яъни белгиланган сумманинг 30 фоизини ташкил қиласди ва бу олдиндан тўлов 2022 йилнинг сентябр ойида амалга оширилади. Якуний тўловнинг миқдори эса 30 737 000 сўмни, яъни, келишилган сумманинг 70 фоизини ташкил этади ва бу якуний тўлов ҳисоб-фактура (ёки ишлар бажарилганлигини тасдиқловчи хужжат) тақдим қилингандан сўнг 2022 йил 25 сентябргacha амалга оширилади.

2.3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли карорига асосан барча мулкий шаклларидағи хўжалик юритувчи субъектларнинг истеъмолчилар ва буюртмачиларга, агар улар етказиб бериладиган (бажариладиган ишлар, хизматлар) қийматининг камида 15 фоизини олдиндан тўламасалар, маҳсулот жўнатиши, ишларни бажариши ва хизматлар кўрсатилиши тақиқланган. “Сотувчи” мазкур фармонга амал қилиши шарт.

2.4. Тўлов шакли нақд пул кўчириш йўли билан амалга оширилади.

3. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Сотувчининг мажбуриятлари:

3.1.1. Товар (маҳсулот,иш хизмат)ни шартнома талаблариiga жавоб берадиган ҳолатда Сотиб олувчига ўз вактида топшириш.

3.1.2. Товар (маҳсулот,иш хизмат)ларнинг сифати ушбу гурухи учун амалдаги стандартларга мувофиқ келиши керак.

3.1.3. Сотувчи тўпламда яроксиз, сифати лозим даражада бўлмаган товарлар (маҳсулот,иш хизмат) мавжудлиги ҳакида хабар олган пайтдан бошлаб 3 кун ичida сифатсиз товар (маҳсулот,иш хизмат)ни сифатлисига алмаштириш ёки ушбу шартноманинг 1.2.-бандига мувофиқ сифати лозим даражада бўлмаган товарнинг пулини қайтариб беради.

3.1.4. Транспорт харажатларини ўз ҳисобидан тўлайди.

3.1.5. Сотувчи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ товар (маҳсулот, иш ҳизмат)га бўлган кафолат муддатларини тақдим этади.

3.2. Сотиб олувчининг мажбуриятлари:

3.2.1. Қабул қилиш далолатномасини расмийлаштирган ҳолда ушбу шартнома ва қонун хужжатларида белгиланган тартибда ва муддатда товарни миқдори, сифати ва бутланиши бўйича қабул қилиб олади.

3.2.3. Шартномада белгиланган миқдорда, тартибда ва муддатда товар ҳакини тўлаш.

4. ШАРТНОМАГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ

4.1. Шартномага ўзгартериш ва қўшимчалар киритиш томонларнинг розилигига кўра қўшимча битимни расмийлаштириш йўли билан амалга оширилади. Шартномага ўзгартериш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги битим у ёзма шаклда бўлгандагина ва томонлар уни имзолаганларидағина ҳақконийдир.

4.2. Томонларнинг шартнома шартларига киритган қўшимча ва ўзгартеришлари унинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади, улар албатта инобатга олинниши зарур.

4.3. Шартнома қонунчилик ўзгарганда, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик хужжатларида белгилаб берилган бошқа ҳолларда қайта тузилиши ёки ўзгартерилиши мумкин.

5. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Товарни топшириш муддатини бузганлик учун айбор тараф иккинчи тарафга етказилган заарни тўлиқ коплайди ва қўйидаги миқдорда жарима тўлайди:

5.2. Товарни тўлиқ топширмаганлик учун Сотувчи ҳар бир кечикирилган кунига топширилмаган товар қийматининг 0,5 % миқдорида неустойка тўлайди.

5.3. Сифати бўйича шартнома шартларига жавоб бермайдиган товарни топширганлик, шунингдек бутланмаган товарни топширганлик учун айбор тараф товар қийматининг 5% миқдорида жарима тўлайди:

5.4. Шартноманинг 4.1.2-бандида белгиланган муддатда сифати лозим даражада бўлмаган товарни алмаштиришдан бош тортган тақдирда Сотувчи товар қийматининг 10% миқдорида жарима тўлайди:

5.5. Товар ҳакини ўз вактида ёки тўлиқ тўламаганлик учун Сотиб олувчи ҳар бир кечикирилган кунига тўланмаган сумманинг 0,4 % миқдорида, лекин ушбу сумманинг 50 % дан ошмайдиган миқдорда ўзининг маҳсус ҳисоб рақамидан пеня тўлайди.

5.6. Неустойкани тўлаш тарафларни шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод килмайди.

6. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

6.1. Мазкур шартнома 2022 йил 6 сентябрдан 2022 йил 31 декабргача амалда бўлади.

6.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, бир хил юридик кучга эга бўлиб ҳисобланади ва томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан берилади.

6.3. Шартнома муддатидан олдин қўйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:

- томонларнинг келишувига мувофиқ;
- Ўз.Р. қонунчилик хужжатларида назарда тутилган ҳолларда.
- Форс-Мажор холатларида

7. ШАРТНОМАНИНГ ҚОНУНИЙ КУЧГА КИРИШИ

7.1. 2014 йил 1 январдан амалга киритилган Ўзбекистон Республикаси бюджет кодексининг 122-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли қарорининг 6-бандига асосан бюджет ташкилотларининг товарлар (ишлар, ҳизматлар) етказиб берувчилар билан шартномалари, шунингдек буортмачиларнинг Давлат бюджети маблағлари ҳисобига капитал қурилишга оид шартномалари мажбурий тартибда Ғазначиликда рўйхатга олинниши шартлиги ва факат у амалга оширилгандан кейин кучга кириши назарда тутилган.

8. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

8.1. Тарафлар шартномада кўрсатилган мажбурият ва шартларни бажармаган тақдирларида Ўз.Р. Фуқаролик кодекси ва “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида”ги қонуни ҳамда бошқа қонун хужжатлари асосида жавобгар бўладилар.

8.2. Тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар ўзаро келишув асосида, агар тарафлар келиша олмасалар низолар Ўз.Р. "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида"ги қонунга ва Фуқаролик кодексига асосан хўжалик суди тартибида ҳал қилинади

8.3. Келишмовчиликлар юзага келган тақдирда барча масалалар икки томонлама музокаралар йўли билан ҳал қилинади, келишиш имкони бўлмагандан эса Бухоро вилоят Хўжалик судида ҳал қилинади.

9. БОШКА ШАРТЛАР

9.1. Мазкур Шартномага киритиладиган барча ўзgartiriш ва кўшимчалар ёзма шаклда тузилиши ва хар иккала тарафлар оркали имзоланиши керак.

10. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

«Ижрочи»

“Арх Проект Прогресс” МЧЖ

(Товар етказиб берувчи ёки хизмат
кўрсатувчининг номи)

Манзил: Бухоро шахар Гўзал кучаси 51 уй

Тел./факс +99893 459-90-70
х/в 20208000200386210001

МФО 01037
ОКОНХ 66000
СТИР 303035809
Банк номи: Тошкент ш. АТБ «Кишлок
Курилиш Банк»

Рахбар Р.Р. Нуридинов
(Ф.И.Ш)

(имзо)

М.Ҷ.

Хукуқшунос (ИМЗО ва Ф.И.Ш): _____



«Буюртмачи»

Марказий банк Бухоро вилоят Бош бошқармаси

Манзил: Бухоро вилояти Бухоро шахар
И.Каримов 28/1

Тел./факс 65 223 87 50, 65 223 85 56, 65-220-90-25
х/в 19907000000000017022
29802000300000017022


СТИР 201 504 441
ОКОНХ 96110
МФО: 00017

Банкнинг номи: Бухоро ш. Марказий банк Бухоро
вилоят Бош бошқармаси ХКМ

Рахбар Э.М. Мансуров
(лавозим) (Ф.И.Ш)

(имзо)





Хукуқшунос (ИМЗО ва Ф.И.Ш): 